1925 йилдан чиқа бошлаган

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

# Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 20 ноябрь Чоршанба. № 84 (14382)

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ТУЗИЛДИ

Республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасини тузиш бўйича ташаббускор гуруҳ мажлиси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика Президенти ва ҳукумати юритаётган кучли ижтимоий сиёсат мамлакатимизда халқлар тотувлиги, осойишталик ва барқарорликни таъминлаётганини таъкидладилар, фахрийларга кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликдан мамнунликларини изҳор этдилар.

«Нуроний» деб аталган янги жамғарма ногиронлар ва бошқа нафақахўр қариялар турмуш шароитини, сиҳат-саломатлигини янада яхшилашни, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда, айниқса ёшлар тарбиясида фаол қатнашишларини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ташаббускор гуруҳ мажлисида «Нуроний» жамғармасини тузиш ташкилий қўмитаси ва унинг таркиби тасдиқланди. Бир қатор вазирликлар, йирик саноат корхоналари ва жамоат ташкилотлари янги ташкил этилаётган жамғарма муассиси бўляптилар. Жамғарманинг таъсис қурултойини ўтказишга қарор қилинди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Президент Ислом Каримовнинг 1996 йил 27 августдаги Фармонига мувофиқ шу йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси анъанавий қўшиқ байрами ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» гвстроль-концерт бирлашмаси, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ва «Ўзтелерадио» компанияси ҳар йили республика қўшиқ байрамини ўтказиш таъкидланган. Шунингдек, Ўзбекистон қўшиқ байрамини ўтказиш Республика ташкилий қўмитасининг таркиби, қўшиқ байрами тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Ташкилий қўмита раисига Республика ҳайъати таркибини тасдиқлаш, ҳар йили қайта кўриб чиқиш ва аъзоларини алмаштириш ҳуқуқи берилди. Қарорда таъкидландики, ташкилий қўмита ушбу тадбирни «Ўзбекистон — ватаним маним» ғоясини мадҳ этувчи, бунёдкор, меҳнаткаш халқимизни улуғловчи, инсонлар қалбида муқаддас ватан тупроғини, мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш туйғуларини тарбияловчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқлар байрами сифатида ўтказиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жойларда қўшиқ кўрик-танловини тайёрлаш ва юқори савияда ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари ва тегишли ҳокимларнинг ўринбосарлари раҳбарлигида комиссиялар тузади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ўзларига қарашли ташкилотларнинг саралаш кўрик-танловларини мустақил ўтказадилар. Сарф-ҳаражатлар ички маблағлар ҳисобига қопланади.

«Маҳалла», «Наврўз», «Камолот», «Олтин мерос», «Амир Темур» жамғармаларининг Республика қўшиқ байрамининг алоҳида қатнашсиларини тақдирлаш учун махсус совринлар ва пул мукофотлари таъсис этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

«Ўзтелерадио» компаниями, газеталар ва журналлар таҳририятларига қўшиқ байрами тадбирларини кенг ёритиш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги кўрик-танлов ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, реклама маҳсулотлари, совринлар, дипломлар ва нишонлар тайёрлаш, кўрик-танловни ўтказиш ҳаражатларини қоплаш учун ҳар йили зарур маблағ ажратади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича кўрик-танловларни, байрамни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлик барча ҳаражатлар, шунингдек, Республика якунловчи танлови қатнашчиларининг сафар ҳаражатлари маҳаллий бюджет ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

**(ЎзА).**

## ҚЎШИҚ БАЙРАМИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон қўшиқ байрами тўғрисидаги низомни тасдиқлади. Низомда Ўзбекистон қўшиқ байрами келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, меҳридарё халқни мадҳ этувчи, инсонлар қалбида муқаддас ватан тупроғини, мустақилликни кўз қорачиғидай асраб авайлаш туйғуларини тарбияловчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларнинг яратилишига кенг имкон туғдириш мақсадида ўтказилиши қайд этилган.

Байрам доирасида ҳар йили икки босқичда қўшиқ кўрик-танлови ўтказилади.

Кўрик-танловнинг биринчи саралаш босқичи республика ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Кўрик-танловда қатнашишга туман ташкилотлари ва алоҳида ижрочиларнинг тавсия-буюртманомалари бўйича профессионал, ҳаваскорлик бадиий жамоалари, ансамблар ва якка ижрочилар, шунингдек, болалар боғчалари, мактаблар, олий ўқув юртлари, ҳарбий қисмларнинг жамоалари, хорижий ижодий жамоалар ва якка ижрочилар қўйиладилар.

Кўрик-танлов қатнашчиларининг ижро маҳоратини баҳолаш учун тегишли ташкилий қўмиталар етакчи санъат ва маданият ходимларидан иборат ҳайъат ташкил этадилар.

Низомда таъкидланишича, қўшиқ мусиқасининг ўзига хослиги, матннинг янгилиги, мазмундорлиги, ватанга муҳаббат ва истиқлолга садоқат ғояларини бадиий юксак савияда акс эттириши — баҳолашнинг асосий мезони ҳисобланади. Ҳайъат кўрик-танлов шартларига тўла жавоб берадиган қўшиқлар тақдим этилмаган ҳолларда айрим мукофотларни бермаслик ҳуқуқига эгадир. Ҳайъатнинг қарори узил-кесил ҳисобланади ҳамда қайта кўриб чиқилмайди.

Кўрик-танлов қатнашчилари ташкилий қўмиталарга исталган жангр йўналишидаги, танловнинг мавзу шартларига жавоб берадиган фақат янги қўшиқларни тақдим этишлари зарур. Айни вақтда янги қўшиқларнинг матн метариали мумтоз шоирларнинг шеърий материалларига ҳам, ўзбек шоирларининг замонавий шеърий асарларига ҳам асосланиши мумкин.

Қўшиқ кўрик-танлови туман, шаҳар ғолиблари (биринчи — учинчи ўрин) вилоят, Қорақалпоғистон республикаси кўрик-танловида.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлови ғолиблари (биринчи — учинчи ўрин) Республика қўшиқлар кўрик-танловининг якунловчи босқичида қатнашади.

Саралаш кўрик-танловини ўтказиш тартибига кўра, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазрлиги, Халқ Таълими Вазирлиги, Ижтимоий Таъминот Вазирлиги, Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари Вазирлиги ўзларига қарашли ташкилотларнинг саралаш кўрик-танловларини мустақил ўтказадилар, қўшиқлар кўрик-танлови қатнашчилари тўғрисидаги низомга мувофиқ ғолибларни республика қўшиқлар кўрик-танловига умумий асосларда тавсия этадилар.

Шунингдек, низомда «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасига барча профессионал мусиқа жамоалари ва Тошкент шаҳрида яшовчи алоҳида ижрочиларнинг саралаш кўрик-танловини мустақил ўтказиш ҳуқуқи берилган.

Кўрик-танловнинг 2-якунловчи босқичи Тошкент шаҳрида бўлади.

Республика қўшиқлар кўрик-танлови совриндорлари ва қатнашчиларининг якунловчи концерти ҳар йили қўшиқ байрами кунида, август ойининг учинчи якшанбасида ўтказилади.

Низомда Республика қўшиқлар кўрик-танлови ғолибларига бериладиган мукофотлар ҳам белгиланган.

Биринчи ўрин учун — энг кам иш ҳақининг 110 баравари миқдорида,

Иккинчи ўрин учун (учта) — энг кам иш ҳақининг 80 барабори миқдорида,

Учинчи ўрин учун (учта) — энг кам иш ҳақининг 50 барабори миқдорида

ҳамда энг кам иш ҳақининг 25 барабори миқдорида рағбатлантирувчи мукофотлар (учта) таъсис этилди.

Ҳайъат қўшиқлар кўрик-танлови қатнашчиларига фахрий ёрлиқлар бериш ҳуқуқига эгадир.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, турли жамғармалар ва ҳоказолар танлов қатнашчилари учун махсус совринлар таъсис этишлари мумкин, улар ҳайъатнинг қарорига кўра топширилади.

Республика қўшиқлар кўрик-танлови ташкилий қўмитаси танлов тамом бўлгандан кейин танлов совриндорлари ва иштирокчиларининг хайрия концертларини ўтказади.

**(ЎзА)**

*«Обуна — 97»*

## БИЗ «ТУРКИСТОН» ЎҚИЙМИЗ

**Шул боис 1997 йил учун обуна бўлдик,— дейишмоқда мухлислар.**

### АЖДОДЛАРИМИЗГА ТАЪЗИМ ҚИЛАЙЛИК

Мен «Туркистон»нинг салкам ўттиз йиллик муштарийсиман. Ҳозир ёшим етмишни қоралаб қолишига қарамай, газетанинг ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқиб бораман. Менга мақолалардаги ёшларга хос жўшқинлик ёқади. Айниқса кейинги бир-икки йил ичида берилган Амир Темур ҳақидаги халқимизга маълум бўлмаган тафсилотларининг ёритилиши бизнинг кўнглимиздаги гап бўлди.

Юртимизда Шарқнинг буюк алломаларидан кўпи яшаб ўтган. Айниқса, ислом оламида ўз нуфузига эга бўлган имом Бухорий, Баховуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавийдек буюк аждодларимизнинг ҳикматли сўз жавоҳирларидан газетанинг ҳар бир сонида бериб борилса айни муддао бўлур эди.

**Р. АҲМЕДОВ,**
**Фарғона шаҳри, нафақахўр.**

### УМИДИМИЗ КАТТА

Мен бу йил «Туркистон»га мактабимизда биринчилардан бўлиб обуна бўлдим. Сабаби бор. Газетадаги ҳар бир мақола қизиқарли ёзилади. Хоҳ у иқтисодий, хоҳ сиёсий мавзуда бўлмасин. Айниқса, мактаб ҳаёти ҳақидаги мақолалар менга жуда ёқади. Оддий, тушунарли. Газетадаги «Катта танаффус», «7-дарс», «Синфдошлар» саҳифалари мактабимизда қўлма-қўл бўлиб кетади. Нимагадир кейинги пайтда юқорида тилга олинган саҳифалар мунтазам бериб борилмаяпти. Тўғрисини, айтсам гапларим кўп. Агар газетада ўқитувчиларни қийнаётган муаммоларга кўпроқ эътибор қаратилса жуда яхши иш бўларди. Ҳақиқатни айтиш керак, бугунги кунда мактабларимизда ўз касбини ҳақиқий фидойилари қолди. Айрим шу соҳага адашиб кирганлар тижоратта кетиб бўлди. Менинг назаримда фидойи муаллимлар ҳақида очерклар, лавҳалар бериб борилса, яхши бўларди.

**Ҳ. ЙЎЛДОШЕВА**
**Тошкент шаҳридаги 113-мактаб ўқитувчиси**

### ИЛТИМОСИМИЗ БОР

Мустақиллик шарофати туфайли тадбиркорликка, ишбилармонликка кенг йўл очилди. Мен ҳукуматимизнинг мурувватидан баҳраманд бўлиб фермер хўжалигини ташкил қилгандим. Худога шукр, ишларим юришиб кетди. Ҳозир фермамизда 60 дан зиёд қорамол бор. Қишга ҳам тайёргарлигимиз ёмон эмас. Ем-хашакни тўплаб қўйдик. Ушбуни ёзишимдан мақсад севимли «Туркистон» газетамизда республикамиздаги фермер хўжаликларнинг иш фаолияти доимий равишда ёритиб борилса. Агар газета ўз саҳифаларида ҳафтада бир марта «Фермерга маслаҳат» рукни остида мутахассис маслаҳатларини бериб борса жуда яхши иш бўларди.

Салом билан

**З. АБДУВАЛИЕВ,**
**Ғаллаорол тумани.**

### ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАМИЗМИ?

Қудратли мамлакатнинг фуқаролари ҳар томонлама етук бўлиши керак. Яъни хоҳ сиёсий, хоҳ иқтисодий, хоҳ ҳуқуқий томондан. Халқимизнинг ҳар тарафлама баркамол бўлишида матбуотнинг ўрни беқиёс. Шундай экан ҳар бир инсон вақтли нашрларга обуна бўлиши керак. Ана шундагина ўз ҳақ-ҳуқуқини, бурчини танийди. Мен бу сўзларни бир ҳуқуқшунос сифатида эмас, балки оддий газетхон сифатида айтаяпман.

Газетадаги «Ҳақ-ҳуқуқингизни биласизми?», «Ёшлар ва қонун» саҳифаларини қизиқиб ўқиб бораман. Айниқса, бекорчилик туфайли жиноят кўчасига кириб қолаётган айрим ўсмирлар ҳақидаги суд очеркларининг тарбиявий аҳамияти катта.

Мен ҳам кўпсонли муштарийлар қатори севимли нашрим «Туркистон»га ёзилдим. Ўйлайманки, «Туркистон»чилар 1997 йилда ҳам теша тегмаган мавзуларда қалам тебратиб, обуначилар ишончини оқлайди.

**А. ШАРИПОВ,**
**адвокат,**
**Каттақўрғон шаҳри**

**«ТУРКИСТОН»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.**
**Нашр кўрсаткичи:**
**Якка шахслар учун: 64607**
**Ташкилотлар учун: 64633**

### ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов шу йил 27-28 ноябр кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

## АРТУР ГРИГОРЯН — ЕНГИЛМАС!

***Мамлакатимиз спорт юлдузларидан бири, таниқли боксчи Артур Григорян Германиянинг Гамбург шаҳрида жаҳон чемпиони унвони учун ўтказилган жангда америкалик 27 яшар спортчи Марти Якубовскийни мағлуб этди. Даъвогар шу чоққача 98 учрашув ўтказиб, 96 тасида ғалаба қозонган эди. Аммо 12 раунддан иборат бу учрашувда ҳакамлар очко ҳисоби бўйича ғолибликни Григорянга беришди. Ватандошимиз жаҳон чемпиони юксак унвонига учинчи бор сазовор бўлди.***



## ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛДИ

Куни кеча республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқарувида мазкур жамғарма ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Ўзбекистон ёшлари ва маънавий уйғониш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи жаноб Майкл Барри Лейн, республика раҳбарлик идоралари ва тегишли вазирликлар вакиллари, халқаро хайрия жамғармалар раҳбарлари, олий ўқув юрти талабалари ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Давра суҳбатини «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Хотам Абдураимов олиб борди.

Давра суҳбатида асосан Ўзбекистонда демократик тамойилларни амалга ошириш, маънавият, ҳозирги ёшлар мавзуида ўзаро фикр алмашилди, мавжуд муаммолар муҳокама этилди. Суҳбат иштирокчилари тарихий ва шу билан бирга ўта масъулиятли жараённи бошдан кечираётган айни паллада ёшлар ҳеч нарсага бефарқ бўлмасликларини алоҳида таъкидладилар. Зеро, мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини ёшлар мустаҳкамлайди.

Суҳбат ниҳоясида муҳокама этилган масалалар юзасидан бир тўхтамга келинди.

## БЕЛОРУССИЯДА СИЁСИЙ ИНҚИРОЗ

Бир неча ойдан бери Белоруссия Республикаси Президент билан Парламент орасидаги келишмовчиликлар давом этиб, охирги кунларда бу вазият ошкора ва муросасиз тус олди. Бунга Президент Александр Лукашенконинг Москвага келиб, Россия Давлат думасида нутқ сўзлагани ҳам бир туртки бўлди.

Умуман олганда, Белоруссия Президентининг республика парламенти билан ораси бузилганига сабаб ваколатларни бошқатдан кўриб чиқиш, ҳақ-ҳуқуқларни қайта тақсимлашга қаратилган хатти-ҳаракатлардир. Бу борада ҳар икки тараф охир-оқибат халққа мурожаат қилишни лозим топди. Белоруссия Конституциясининг икки — Президент ва Парламент лойиҳалари халқ референдумига қўйилди. Президент лойиҳасида Президентга чегараланмаган, кенг кўламдаги ҳақ-ҳуқуқлар бериш кўзда тутилган бўлса, Парламент лойиҳасида Президент давлат тимсоли мавқеида бўлиши қайд этилган. Референдум яқинлашгани сайин икки орадаги вазият тарангланиб бормоқда.

А. Лукашенко ўзини халқ қўллаб-қувватлашига ишонади, деярли ҳар бир нутқида Беловеж шартномасини танқид қилиб гапиради ва Белоруссиянинг Россия билан қўшилишини ёқлаб, республикадаги бугунги иқтисодий қийин шароитдан шу йўл билан чиқишни назарда тутади.

Россия ахборот воситалари, айниқса, Россия жамоат телевидениеси шарҳловчилари А. Лукашенконинг бу хатти-ҳаракатига эҳтиёткорлик билан ёндашиб, Белоруссия Президенти интеграция баҳонасида, биринчидан, белорус халқи олдида ўз мавқеини кўтариб олиш, иккинчидан, мамлакатдаги иқтисодий инқирозни Россия кўмагида тўхтатишга уриниш сифатида баҳолашмоқда. Албатта, уларнинг шарҳларида жон бор. Чунончи, А. Лукашенко 1991 йили Беловеж шартномасига белорус депутатлари ичида ёлғиз бир ўзим қарши овоз берганман, деган гапни кўп марта айтган. Бироқ маълум бўлишича, бу масала овозга қўйилган чоғда у залда бўлмаган экан. Бундан ҳам кўринадики, собиқ совет империясига қайғуриши билан Белоруссия Президенти халқнинг хайрихоҳлигини олишни кўзлайди.

Ўтган ҳафта чоршанба куни Россия Давлат думасида нутқ сўзлаб, россиялик коммунистлар ва жириновскийчилар олқишини олиб Минскка қайтган А. Лукашенко вазиятнинг кескинлашганини кўрган. Бироқ, ахборот воситаларининг хабарига кўра, у ўзини бамайлихотир, гўё ҳеч нарса юз бермагандай тутган. У қўллаган навбатдаги чоралардан бири Белоруссия Республикаси Марказий сайлов қўмитаси раиси В. Гончарни вазифасидан озод қилишдан иборат бўлди. Бу қадам кескин норозиликларга сабаб бўлди. Республика Конституциявий суди раиси Президентни ўз ваколатини суиистеъмол қилишда айблади. Белоруссия парламентининг раиси С. Шарецкий жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилиб, Белоруссияда демократияни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Якшанба куни Белоруссия пойтахти Минскда Президент сиёсатига қарши кучларнинг оммавий намойиши бўлиб ўтди. Кўп минг кишилик бу митингда нотиқлар Парламентни қўллаб-қувватлаб гапирдилар. Намойиш чоғида ички қўшинлар билан намойишчилар орасида тўқнашув юз берди. А. Лукашенко бундай вазиятнинг юзага келишида Белоруссия халқ фронти айбдор, деб айтди.

Хуллас, Белоруссияда сиёсий кураш ўзининг юқори нуқтасига кўтарилаётир. Бу курашда кимнинг қўли баланд келишини вақт кўрсатади. Бироқ оддий меҳнаткаш белорус халқига бирор-бир наф етармикан?

**О. АҲМЕДОВ**

## «КАМАЛАК» — ХАЛҚАРО ОРОМГОҲГА АЙЛАНАДИ!»

**Элликқалъа тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати А. Тожиев билан суҳбат**

— Аминбой ака! Яқинда Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Орол муаммосига бағишланган халқаро анжуман ўтказилиб, унда экологик ҳалокат марказида яшаётган болалар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича айрим тадбирлар белгиланди. Шулардан бири «Орол болалари» халқаро соғломлаштириш марказини очишдан иборат. Бу марказ учун Элликқалъа тумани бежиз танланмаган бўлса керак?

— Худди шундай. Биласизми, биз ўз туманимизни иқтисодий ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан тараққий эттиришнинг 3 та бош йўналишини белгилаганмиз. Биринчиси — саноатни ривожлантириб экспортга кўпроқ рақобатбардош маҳсулот чиқариш. Бунга қисман эришдик: туманимизда Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси — «Элтекс» ишламоқда. Иккинчи йўналиш шундан иборатки, биз мустақил мамлакатимизда биринчи бўлиб деҳқончиликда мулк шаклини ўзгартирдик. 1935 та фермер хўжалигини ташкил қилдик.

Учинчи йўналиш — туманимизда даволаш-соғломлаштириш туркумини яратиш. Ҳозирнинг ўзида туманда 3 та республика аҳамиятига эга санаторий фаолият кўрсатмоқда. Улар сонини яқин истиқболда 10 тага етказамиз.

Сиз тилга олган анжуманда «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши туманимиздаги Оқчакўл соҳилида жойлашган «Камалак» болалар оромгоҳиниОрол болалари» халқаро ўқув-соғломлаштириш марказига айлантириш ташаббусини ўртага ташлади. Бу ташаббусни қатор мамлакатлар қўллаб-қувватламоқда.

— Демак, бу лойиҳа амалга ошса, Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни юмшатиш бўйича кичкина бўлса ҳам бир қадам қўйилади.

— Кичкина эмас; катта қадам десангиз ҳам бўлади. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Оролбўйи болаларининг кўпчилиги турли касалликларга чалинган. Уларнинг саломатлигини зудлик билан тиклаш керак. Ёзги таътил пайти ишлайдиган бир неча оромгоҳ Қорақалпоғистоннинг ярим миллион нафар ўқувчиси учун хамир учидан патир ҳам бўлолмайди.

Барпо этиладиган «Орол болалари» халқаро ўқув-соғломлаштириш маркази эса йилига 5-6 минг нафар болани таълим жараёнидан ажралмаган ҳолда даволаш имконини беради.

— «Камалак» оромгоҳидаги мавжуд шарт-шароитлар қандай?

— Оромгоҳ 20 гектар ерни эгаллаган. Оролбўйи гидрогеология экспедицияси бу ерда катта миқдордаги маъданли сувлар захираси борлигини аниқлади. Бу маъданли сувларнинг шифобахш хусусиятларини Н. А. Семашко номидаги сиҳатгоҳ олимлари ҳам тасдиқлаб беришди. Оромгоҳ 3 та икки қаватли бино, катта ошхона ҳамда бошқа қурилмалардан иборат. Энди бу ерда даволаш ва ўқув бинолари, спорт ва қўшимча хўжалик иншоотлари қурилиши лозим.

— Халқаро ўқув-соғломлаштириш оромгоҳини вужудга келтириш учун катта миқдорда маблағ керак бўлар?

— Юқорида қайд қилинган ишларни бажариш учун тахминан 3,5 — 4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ зарур. Марказнинг йиллик сарф-харажати 1 миллион АҚШ доллар бўлиб, уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ўз зиммасига олади. Марказий Осиё мамлакатлари, Жаҳон Ҳамжамияти бу борада ёрдам қилади, деган умиддамиз. «Туркистон»ни мамлакатимизда ва ундан ташқарида севиб ўқишади. Балки бу савобли ишга бош қўшадиган мамлакатлар, сармоядорлар сафи янада кенгаяр!

**Суҳбатни «Туркистон»нинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири Янгибой ҚЎЧҚОРОВ ёзиб олди.**




### ЯҚИН ШАРҚДАГИ ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

· ВАШИНГТОН. Давлат котиби Кристофер Вашингтондан Қоҳирага жўнаб кетди. Шундан сўнг у Парижга ҳам боради. У Қоҳирада Миср Президенти Ҳусни Муборак, Фаластин раҳбари Ёсир Арафот ва Исроил ташқи ишлар вазири Давид Леви билан учрашди. Учрашув давомида тинчлик жараёни билан боғлиқ масалалар, чунончи Хеврон муаммоси муҳокама қилинди.

### ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ

· ПАРИЖ. Уоррен Кристофер Парижда тинчлик шартномаларини амалга ошириш кенгашининг раҳбарлари билан учрашади ва Яқин Шарқда тезроқ тинчлик ўрнатиш бўйича мажбуриятларни бажаришга даъват этади, деди давлат департаменти расмий вакилининг ўринбосари Глин Дэвис.

### АҚШ-СУДАН МУНОСАБАТЛАРИ ҲАҚИДА

· НЬЮ-ЙОРК. «Вашингтон пост» газетасида Вашингтон Судан ҳукуматини ағдариб ташлашга интилмоқда, деган хабарлар нотўғри, — деди Глин Девис, — гарчи Эфиопия, Эритерия ва Угандага ҳарбий ёрдам берилаётган бўлсада ушбу хабар ёлғон - яшиқдан иборат.

### ҲИНДИСТОНДАГИ АВИАҲАЛОКАТДАН КЕЙИНГИ ТАШВИШЛАР

· ДЕҲЛИ. Қўшма Штатлар Ҳиндистондаги авиаҳалокат тўғрисида матбуотда эълон қилинган хабарларни диққат билан кузатмоқда. Ҳозирча Вашингтондагилар бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида тўла маълумотга эга бўлмасалар-да бироқ АҚШнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ҳалокатга учраган самолётларда Америка фуқаролари бор-йўқлигини билишга уринаётирлар.

